



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
14 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 211 (9857).

1990 йил

3 ноябрь
шанба

Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИ
ЖУМЎҲУРИЯТГА БЎЙСУНУВИЧИ ВАЗИРЛИККА
АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССЖнинг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Декларацияга мувофиқ ҳамда жумҳуриятнинг мустақиллиги мустаҳкамлаш, иқтисодий-сиёсий вазирлиги барқарорлаштириш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш йўллари ва усуллари тасдиқлаштириш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши шу йилнинг охиригача ССЖ Ички ишлар вазирлиги бўлган Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлигини жумҳуриятга бўйсунувчи вазирлиққа айлантириш тўғрисида битим тузиш ва унинг идораларини қишлоқ ҳамда муниципал шаҳарлар принциплари асосида ислоҳ қилиш.
2. Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Жамоат хавфсизлиги бош бошқармаси тузилиб, унинг зиммасига умумий миллий манфаатларни таъминлаш ҳамда жумҳуриятнинг мустақиллиги ва бутунлигини муҳофаза этиш чораларини шиддат қилиш вазифалари юклатилсин.
3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши жумҳуриятдан йиғилган Совет Армиясига қарши қозғалган белгиланган лимитлар доирасида Ўзбекистон ССЖ ҳудудига жойлашадиган ички қўшинларга аскар олдини таъминласин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1990 йил, 31 октябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ
«НАРОДНОЕ СЛОВО» РЎЗНОМАСИНИ ТАЪСИС ЭТИШ
ВА «ХАЛҚ СЎЗИ» ҲАМДА «НАРОДНОЕ СЛОВО»
РЎЗНОМАЛАРИНИНГ БОШ МУҲАРРИРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши қарор қилади:
Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг «Народное слово» рўзномаси таъсис этилсин.
«Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларининг бош муҳаррири этиб ССЖ халқ депутати, Ўзбекистон Журналистлар уюмчаси правлениясининг раиси ўртоқ Аҳмадқон Ғуломович Мухомбетов таъинлансин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1990 йил, 31 октябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРОКУРОРИНИ
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши қарор қилади:
Ўртоқ Ўйроғлиқ Мустафоев Ўзбекистон ССЖ прокурори этиб таъинлансин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1990 йил, 1 ноябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ КОНСТИТУЦИЙАВИЙ НАЗОРАТ
ҚўМИТАСИНING ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССЖ Конституцияси 115-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ:
- Ўзбекистон ССЖ Давлат план қўмитаси раисининг ўринбосари Пулат Носиров.
- Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг аъзоси Акмал Холимович Саидов Ўзбекистон ССЖ Конституциявий назорат қўмитасининг таркибидан чиқиб кетган деб ҳисоблансин.
- Жумҳуриятдан ташқарига чиқиб кетганларга мурожаат билан ҳамда «Ўзбекистон ССЖда Конституциявий назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Владимир Дмитриевич Белкинани Ўзбекистон ССЖ Конституциявий назорат қўмитаси таркибидан чиқиб кетган деб ҳисоблансин.
- Ўзбекистон ССЖ Конституциявий назорат қўмитасининг аъзоси этиб қуйидаги ўртоқлар сайлансин:
- Омон Ҳамидович Олимжонов — Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши котибиятининг бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.
- Борис Ильич Пинхасов — Х. С. Сулеймоновна номли суд экспертизаси илмий тадқиқот олийгоҳининг директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.
- Мирақуб Хонжабарович Раҳмонов — Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясини раёсати бош илмий котибининг ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1990 йил, 31 октябрь.

ДЕЛЕГАЦИЯ
ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Вьетнам Социалистик Жумҳурияти Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Чан Дин Лионг бошчилигидаги ВСЖ делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

1 ноябрь куни делегация аъзоларини Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов қабул қилди. Меҳмонлар жумҳурият турмуши, иқтисодий-сиёсий ва ифтиодий ҳолатларда қайта қуриш қандай бораётганини билан таништирилди. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг аъзолари сессиясида қабул қилинган қарорлар жумҳуриятнинг мустақил ривожланиши

(ЎзТАГ).

Давлат бошқаруви уйғун системасини яратиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини бир-биридан қатъий фарқлаб қўйиш, давлат органлари фаолиятида параллелчилик ва бир-бирининг ишини таъсирлашга, бир органларнинг бошқа органлар вазифасини бажаришига барҳам бериш мақсадида ҳамда бозор мўносабатларига ўтish шароитида ижроия ҳокимиятини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, давлат, ҳўжалик ва соҳла-маданий қурилишнинг ҳам-ма жабҳаларида иттиҳом ва тартиб ўрнатиш, айниқса муҳим эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1. 1. Президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилсин. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилсин. Ўзбекистон ССР Президенти айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлади. Ўзбекистон ССР Президентининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг аппарати Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги битта аппаратга бириштирилсин.

2. Ўзбекистон ССР вице-президенти лавозими таъсис этилсин. Вице-президенти Ўзбекистон ССР Президенти тайинлаб, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлайди. Ўзбекистон ССР вице-президенти Ўзбекистон ССР Президентининг тошйирлигига кўра Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми, Министрлар Советининг Раиси, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари лавозими тугатилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг давлат-ҳўжалик ва соҳла-маданий қурилишнинг асосий, белгилувчи йўналишлари бўйича биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари лавозимлари таъсис этилиб, улар зиммасига ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқлар бўйича фаолиятни уйғунлаштириш ва пировард натижаларни таъминлаш вазифаси юклатилсин. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларини, вазирларини ва қўмиталарининг раисларини Президент тайинлайди, сўнгра улар республика Олий Совети томонидан тасдиқланади.

5. Республика ҳўкумати таркибига Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, йирик концернларнинг ва биришмаларининг раҳбарлари кирди. Ҳўкумат аъзоларини тайинлаш ва овоз қўйиш Ўзбекистон ССР Конституциясида белгиланган қўйилган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Қонун қабул қилиниши мўносабати билан амалдаги Қонунларга зарур ўзгаришлар киритилсин.

II. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун)га қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

1. 89-модданинг сўнгги қисмидаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 102-модданинг 8 ва 9-бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8) Ўзбекистон ССР Президентининг таъдимиға биноан Ўзбекистон ССР вице-президентининг, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раиси биринчи ўринбосарлари, ўринбосарларининг тайинлашсин, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси таркибини ҳамда унга киритиладиган ўзгаришларини тасдиқлайди; Ўзбекистон ССР Президентининг Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат қўмиталарининг тузиш ҳамда тугатиш ҳақидаги қарорларини тасдиқлайди; Ўзбекистон ССР Президентининг СССР Бош прокурори билан келишилган таъдимиға мувофиқ Ўзбекистон ССР прокурорини ва унинг ўринбосарларини тайинлайди;

9) Ўзбекистон ССР Халқ назорати қўмитатининг раисини, Ўзбекистон ССР Олий судини, шунингдек област ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини сайлайди, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳакамини, Ўзбекистон ССР Табиати мўҳофаза қилиш давлат қўмитатининг раисини тайинлайди; шу модданинг 21-банди чиқариб ташлансин;

3. 107-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Советида қонун лойиҳаларини тақлиф этиш ҳўкукиға Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг қўмиталари ва комитетлари, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Конституциявий назорат қўмитаси, Қорақалпоғистон АССР номидан унинг давлат ҳокимиятининг олий органи, Ўзбекистон ССР Халқ назорат қўмитаси, Ўзбекистон ССР Олий суди, Ўзбекистон ССР прокурори, Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат ҳакамси, Ўзбекистон ССР Табиати мўҳофаза қилиш давлат қўмитатининг раиси эга»;

4. 109-модда қуйидаги мазмунда бўлган тўртинчи қисм билан тўдрилисин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий суди, Қорақалпоғистон АССР Олий суди, област, Тошкент шаҳар судлари судьяларига малака класслари беради. Бу масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми қарорлар қабул қилади».

Ушбу модданинг амалдаги тўртинчи қисми бешинчи қисми деб ҳисоблансин.

5. 112-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мансабдор шахсларни тайинлаш, сайлаш ва тасдиқлаш, ҳўкумат томонидан тайёрланган республикани иқтисодий ва соҳла ривожлантириш планларини, энг муҳим республика программаларини, Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджетини,

шунингдек тасдиқланган план, бюджет, комплекс программаларни ўзгартириш тўғрисида қарорлар Ўзбекистон ССР Олий Совети тегишли қўмиталарининг ҳўсосалари мавжуд бўлганда тасдиқланади»;

6. 113-моддадаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Советига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7. 116-моддада:

биринчи қисмининг 4-бандидаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР ҳўкумати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг 5-бандидаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Советига» деган сўзлар «ёки Ўзбекистон ССР ҳўкуматига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8. 121 ва 13-боблар 13-бобга бириштирилиб, у «Ўзбекистон ССР Президенти ва ҳўкумати» деб аталсин.

9. 1181-модда қуйидаги мазмунда бўлган иккинчи қисм билан тўдрилисин:

«Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССРда олий ижроия ва бошқарув ҳокимиятини амалга оширади, айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлади».

10. 1184-модданинг 4, 6, 7, 8-бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон ССР министрликларини ҳамда Ўзбекистон ССР давлат қўмиталарини тугади ва тугатади, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига киритади»;

«6) Ўзбекистон ССР вице-президентини, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарларини, ўринбосарларини тайинлаб, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этади.

Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Халқ назорати қўмитатининг раисини, Ўзбекистон ССР Олий судининг раисини, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳакамси, Ўзбекистон ССР прокурори, прокурор ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Табиати мўҳофаза қилиш давлат қўмитатининг раисини лавозимларига номзодларни тақдим этади, мазкур мансабдор шахсларни вазифасидан овоз этиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдимнома билан кирди, Ўзбекистон ССР Олий судининг раисини бундан мустаснодир.

халқ депутатлари област Советлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитаси раисини лавозимига тайинлаш учун Советларнинг раислари билан келишган ҳолда номзодлар тавсия этади»;

7) Ўзбекистон ССР ҳўкумати аъзоларини лавозимидан овоз қилади ва тайинлайди, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этади;

8) Ўзбекистон ССР қонунларини имзолайди; қонунга оид эътирозларини қўйи билан икки ҳафта мўддат ичида билдириб, тақдирини мўҳоама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон ССР Олий Советига қайтаришга ҳақлидир. Агар Ўзбекистон ССР Олий Совети овозларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги билан илгари ўзи қабул қилган қарорини тасдиқласа, Ўзбекистон ССР Президентини қонунни имзолайди; Ўзбекистон ССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР қонунларига, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига мувофиқ келмаган тақдирда Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталари ҳўжжатларининг амал қилишини тўхтатади ва уларни бекор қилади.

Ушбу модданинг 9-банди чиқариб ташланиб, унинг ўрнига қуйидаги мазмунда бўлган янги 9-банд киритилсин:

«9) Гражданиларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини қўлаб, Ўзбекистон ССРнинг бутун территориясида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиб, қабул қилган қарорини суд билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига киритади».

11. 1181, 1184-моддалар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1184-модда. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурида Ўзбекистон ССР Президент Кенгаши фаолият кўрсатади. Президент Кенгашининг вазифалари Президент Кенгаши тўғрисидаги низоом билан белгиланади.

Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзолари Ўзбекистон ССР Президенти томонидан тайинланади. Ўзбекистон ССР вице-президенти лавозимига кўра Ўзбекистон ССР Президент Кенгаши таркибига кирди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг мажлисларида қатнашишга ҳақлидирлар.

1184-модда. Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун территориясида мажбурий қўчга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради».

12. 1188-модда чиқариб ташлансин.

13. 1189-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1189-модда. Агар Ўзбекистон ССР Президенти у ёки бу сабабларга кўра ўз вазифаларини бажаришни давом эттира олмаса, Ўзбекистон ССР янги Президенти сайлов уч ойлик мўддат ичида ўтказилиши керак. Бу даврда Президентини вазифалари вице-президент зиммасига, бунинг ичидан бўлмаган тақдирда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисини зиммасига юкланади».

14. 1190-модда чиқариб ташлансин.

15. 120-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«120-модда. Ўзбекистон ССР ҳўкумати Ўзбекистон ССР Президенти, вице-президенти, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон

5.000.000
ТОННА
ПАХТА
ТАЙЁР!

Ўзбекистон ССЖ Давлат ҳисоб қўмитасида хабар қилинганча, 2 ноябрь куни жумҳурият пахтакорлари юк-макнари ағдладилар. Давлатга 5 миллион тонна

пахта сотдилар. Ҳосил мисли қўрилган қисқа мўддатда тегиб олинди. Режа эса беш фондан зиёд ошириб бажарилди. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари тошйирини ошириб бажардилар.

Бухоро, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё, Наманган, Андижон вилоятларининг деҳқонлари алоҳида-алоҳида кўрсатдилар. Самарқанд вилоятининг пахтакорлари сўнгги йилларда биринчи марта давлат буюртмасини ушладилар. Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятларининг меҳнатдорлари машина термини режасини анча ошириб адо этидилар. Жумҳуриятда машина термини режаси ўрта ҳисобда 98 фондан ошириб бажарилди.

«Оқ олтин» мавсумини якунлаб, шунинг таъкидлаш керакини, чигит экиладиган майдонлари камайтириб, ай-ла вақтда ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига пахта етиштириш ҳажмини қўпайтириш

юзасидан танлаб олинган йўл ўзини тўла-тўқис оқлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, гектар бошига ўртача 27,4 центнер хом ашё олинди.

Пахтакорларнинг меҳнатига тўламини ҳамда ошйир-тилганлиги терим суръатларининг юқори бўлишига ёрдам берганлиги, шубҳасиз. Бу эса, ўз навбатида хом ашё сифатининг юқори бўлишига (ҳосилнинг 88 фондан биринчи навларга тошйир-лишига), қиллоқ меҳнатчиларининг фаровонлиги ошйи-шига олиб келди. Ижарачи ва пураётчи жамоалар ўз меҳнатига одилона баҳо беришганини, ишини ташкил этишининг янги усуллари фой-дали эканлигини ҳис қилдилар.

Эндиги иш пахта тозалаш заводаларининг ҳолиларига бовлиқ. Деҳқонлар эса гайрат суръатини пасайтирмай, да-валарни гўзаловдан тозалаб, шудгор қилишга киришдилар, янги мавсумга ҳозирлик қў-ра бошладилар. (ЎзТАГ).



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ёзилдингизми?

ХўРМАТЛИ МУШТАРИЯЛАР!

1991 йил рўзнома ва ойномалари учун обуна 20 ноябргача давом этмоқда. Келаси йилда ҳам «Тошкент ҳақиқати» рўзномасини мунтазам олиб туришини истасангиз шу кўнларда унга обуна бўлишини унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» идорасига ёки илмий жойингиздаги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот таркатувчи-буларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган мўддат учун қабуз қили-нади.

Эслатиб ўтамиз: рўзноманинг обуна баҳоси 1 йилга 15 сўм 60 тийин.

«Эзбекистон ССЖ халқ депутатларининг Мақоми тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг асосий қондалари ана шулардан иборат. Шунинг таъкидлашини истардимки, бу ҳужжат қатъий ва уziel-кесил белгилла қўйилган қондаларининг қотиб қолган маъмуаси эмас. Ҳумхурийтимиз Советлари ва депутатларининг хаёти ҳамда амалий тақрибрас қайта қуриш шароитларида депутатларининг мақомига тузатишлар киритида, халқ вакилларининг фаолиятини янги шакллар, услублар ва йўналдишлар билан бойитида. Қонун қабул қилиниши муносабати билан жиниий, меҳнат, маъмурий қонунларга ҳозиринг Ҳаидеқ тегишли узғартишлар ва қўшимчалар киритиш лозим. Маъмур қонун лойиҳасининг қондаларини лозим даражада депутатларининг иш самаралорлигини таъминлайди ва уни қабул қилиш керак деб ўйлайман.



